

## **ДИҚҚАТ ЭЪЛОН:**

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг “Бирламчи тиббий санитария муассасаларида фаолият юритаётган шифокорлар ойлик иш ҳақиға қўшимча ҳар ойлик устама тўланадиган олис ва чекка ҳудудлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 19 сентябрдаги 510-сонли қарори асосида Сурхондарё вилоятида 48 та маҳаллалар рўйхати тасдиқланган.

Бунда олис чекка ҳудудларда оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда фаолият юритаётган барча шифокорлар ойлик иш ҳақиға қўшимча 2 миллион сўм миқдоридеги ҳар ойлик устама белгиланиши ҳамда уларға ипотека асосида уй- жой сотиб олишда уй-жой қийматининг 50 фоизигача қисми, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баробаридан ошмаган миқдорда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши, олис ва чекка ҳудудларда узлуксиз уч йил ишлаган шифокорлар клиник ординатураға тест синовларсиз қабул қилиниши белгиланган.

Ҳозирги кунда Бойсун туманидаги “Қўрғонча” ва “Мачай”, Музработ туманидаги “Файзобод” ҳамда Узун туманидаги “Толтўғай” маҳалла фуқаролар йиғинларида врачларға бўлган эҳтёж мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудларда ишлаш истагини билдирган шифокорларни ишға таклиф этамиз!